

Гулистон МАТЕҚУБОВА

КЎЗЛАРИНГДА

Кўзларингни соғинганимни...
айтдим...
Қарашларинг жоним устига.
Кўзларингда денгизлар қалқди,
Мени олиб кетди қатрига.
Чўқдим...

Хушсиз қолдим бир нафас,
Тўлқинларда чархпалак бўлдим.
Кейин (узоқ йиллар олдинмас),
Бугун...
Кўзларингда дунёга келдим...

ТОКИ ЙЎЛДАМИЗ...

Унутмоқ истасам ўтган кузларни,
Баҳорлари ёдга тушади.
Кузда ташлаб кетган қушларим,
Қайтиб, бошим узра учди.
Кузнинг салқинлари совутган бўлса,
Баҳор чўғларида исинганим бор.

Хазон рангги уруб, туйғулар сўнса,
Сен кириб уларни айладинг бедор.
Сен-ла тўлди бўм-бўш кўнгли саройи,
Энди қисқаради ўша узун куз.
Узаяр қисқариб кетган баҳорим,
То биз сенинг билан йўлдамиз...

БУТУН ҚИЛИБ...

Узоқ-узоқларга олиб кет мени,
Бизларни кузатиб борсин кенг осмон.
Кутиб олсин сокин ўтлоқзор туни,
Кўзлардан уйқуни ўчирсин армон.

Шамоллар энтикиб ҳайрон сўроқда,
Тинчлари бузилиб солсинлар сурон.

Биз унда осуда суҳбат қурайлик,
Майсалар маст бўлсин сўзларимиздан.
Кенгликларга кўнгли ёзиб юрайлик,
Қўшиқлар туғилиши кўзларимизда.

Юлдузларда қолсин нигоҳларимиз,
Сўзларимиз кўнсин қушлар тилига.
Кенгликларда қайта туғилайлик биз,
Айлашиб қолайлик саҳро гулига.

Қайтсак туғенимиз қолиб ўтлоқда,
Кенгликлар бағрига тўлсин ҳаяжон.

Қолдирайлик унда борлигимизни,
Қайтиб келсак кутиб олар бегумон.
Қолдирайлик унда фақат кўнглимни,
Уни бутун қилиб сенга берганман...
Узоқ-узоқларга олиб кет мени...



Гулчехра РАҲИМОВА

Айри тушди йўлимиз кўпроқ,
Изласам ҳам йўқ эдингиз сиз.
Ўзингизча сиз мендан йироқ,
Балки унинг юрагидир сиз.

Майли унга кўрар кўз бўлинг,
То тасаввур қилгунча бахтни.
Ой қулоққа қуйган гапларни,
Фақат мену ёлғиз сиз билинг.

Мен ўша кун ўзимга қайтиб,
Бир хил қолган кунлар, айниқса.
...Бу сиз учун оддий тасодиф,
Бу мен учун бахтли ҳодиса.

АСТА, СОКИН
ЎҚИНГ...

Азиз шоир дўстим, ҳар кун нур, ёлқин
Ўпиб ёритади ерни беқиёс.
Барча ибтидолар, шу нурнинг ҳаққи
Аста, сокин ўқинг бир шеър, илтимос.

Гўзаллик жо бўлар эркининг бағрига,
Гуллар юз очади оқшомда беҳос.
Лолаларнинг қачон бағри оғринар,
Аста, сокин ўқинг бир шеър, илтимос.

Сукунат ҳамдаминг мисол бош силаб,
Қуйлайди ошиқ, шайдоларга мос.
Дилбар ёрлар бу дам висол, қуйталаб,
Аста, сокин ўқинг бир шеър, илтимос.


ТУРКМАН БАХШИСИНИНГ ДЕГАНИ

«Ўзбеклар элинда тўй-маъракада
Ҳофизлар қуйлашар жону дилидан.
Лекин кўнгли тўймай қолар агарда
Қўшиқ айтилмаса Махтумқулидан».

Шундайин жом сўзи билан Чоржўйда
Ифода этганидан битта рост гапни,
Оғамурод бахши сизин олди-да,

«Мен ҳам айтсам, — деди бир
ҳақиқатни,

Кимки Навоидан сўз бошламаса,
Бахши ҳисобига қирмайдиган бизда».
Сўнг туркман тилинда аста, оқиста
Бир ғазал янгради нондай муқаддас.
Ургач



Сурур...

қад).
Мирза Ғани. Бир оғиз сўзингиз, кел ден-
дингиз, мана югуриб келдик!
Шоғулом. Раҳмат, раҳмат. Қадрдонимиз-да,
Мирзажон, қадрдон!
Мирза Ғани. Қадрдонлик ҳам гапми, ту-
ғишдан афзалмиз ден!
Шоғулом. Нима десангиз ярашади.
Мирза Ғани. Мен сизни гапларингизга бор-
ман-да, акажон. Хўш, тинчликми?
Шоғулом. Тинчлик-тинчлик...
Мирза Ғани. Дастурхон жа катта-ку!
Шоғулом. Бир кўнгли тортиб қолди-да!
Тўрт кўнгли ганимат дунё. Қайсинисидан қу-
лай, Мирза!
Мирза Ғани. Истаганингиздан. Сизни га-
пларингизни ҳеч вақт икки қилган эмасмиз, юр
деганингизда юрганмиз, тур деганингизда тур-
ганмиз.
Шоғулом. Раҳмат, Мирзажон, шахмат дона-
си бўлиб кетинг-эй! Қани олсин!
Мирза Ғани. Сизни қилган яхшиликларин-
гизни отамиз ҳам қилган эмас, акажон. Сало-
матлигингизга! (Ичдилар). Келишдан олдин
ҳам қиттай қилган эдим, яна меҳмонлар кел-
гунча «яллама ёрим»га ўйнайдиган бўлиб
қолмайлик. Кимлар келмоқчи?
Шоғулом. Кимлар бўларди? Ўзимизнинг
қадрдонлар.
Мирза Ғани. Жуда жойида! (Ўйлаб). Мен
танийдиганларми?
Шоғулом. Албатта, албатта!
Мирза Ғани. Визга бирор хизмат бўлса...
Нима гап ўзи?
Шоғулом. Эй, нима гап бўларди? Тожиқон,
чой олиб кел!
Мирза Ғани (Ўйлаб). Энди, ака, сиз билан
биз қадрдон одамимиз. Кўнглингизга олмангу
бевақт келиб қолмадикми?
Шоғулом. Нега?
Мирза Ғани. (Ўйлаб). Энди ҳайронман.
Шоғулом. Сизга бир гап бўлди, нимани
ўйлаб қолдингиз? (Тожиқон тўхтаб гапга қу-
лоқ солади).
Мирза Ғани. Мен сизни қиёматли акам де-
ганман. Кўнглингиз қолагидан бир иш қила-
диган бўлсан.
Шоғулом. Мирзажон, бирор гап ўтди-ми?
Мирза Ғани. Мендан сир яширганингизга
ҳайронман!

ШУКУРЛЛО,

Ўзбекистон ССР халқ шоири



ШУ НОМЛИ КОМЕДИЯНД ПАРЧА

Шоғулом. Қанақа сир! (Тожиқон чой олиб
келади).
Мирза Ғани. Келинкойи, бу акамдек кўнгли
чоғ, феъли кенг одамлар дунёда кам топила-
ди, тўғрими?
Тожиқон. Яхшилик яхши-да, раҳмат!
Мирза Ғани. Бу акамни яхшиликларини
кўп кўрганмиз, ҳамма бировдан гина қила
бермайди.
Тожиқон. Нима гап, гиналашиб қолдинглар-
ми?
Мирза Ғани. Дўст ачитиб гапирар деган-
дек, биздан бирор хато ўтган бўлса... Мен
сизлардан яширадиган сирим бўлган эмас, ке-
линойи, эшитмаган бўлсангиз, эшитиб қўйинг,
ҳаттоки, одамлар, Мирза олтинга жез ара-
лаштирибди деб, гап қилганида ҳам қамқон
оғзидан қутқарган сиз-ку, акажон.
Шоғулом. Эй, булар ўтган гаплар, Мирза-
жон.
Мирза Ғани. Йўқ ундай деманг. Яхшилик-
ларингизни айта берсам, сизни оёғингизни та-
воб қилсан арзийди. Акажон, унақа яхшилик-
ларни унутадиганлардан эмасман. Биздан ха-
фа бўлган жойингиз бўлса! Яшираман, айта
беринг!
Шоғулом. Ҳой, тавба! Нимани яшираман,
нимани айтман?
Мирза Ғани. Сиз билан биз сирдошмиз.
Ахир, ким келди десам ҳам, нима гап десам
ҳам... Тавба, тушунмай қолдим. Ҳа, нима
гап? Ахир бошингизга бирор ташвиш тушган
бўлса, жонимизни беришга тайёрийсиз. Қў-
лимиздан ҳар нарса келади!
Шоғулом. Бунин билан — ҳар нарса ке-
лади! Шунинг учун қаҳридан-да!
Мирза Ғани. Бўлмаса нега яширасиз!
Шоғулом. Нимани яширдим?
Тожиқон. Ҳой, жанжаллашманглар!
Мирза Ғани. Мана ўзим кўриб гурибман,
дастурхонлар ҳаммаси айаш-уйқаш, келин-
койининг кўзига ёш, сиз таянган, пиёлалар
синган... Бу неварганингизни иши эмас-ку!
Ахир...
Шоғулом. Не, оилада жанжал бўлмайди,
Мирза! (Жанжал устига эшикдан Исабек ки-
риб келади).
Исабек. Мумкинми?
Шоғулом (Мирзага кулиб). Эй, Мирзажон!
(Хотинига). Кўн чой дамла! (Тожиқон чи-
да).
Келинг, Исабек, келинг, кела беринг.
Мирза Ғани. Келинг, (зурак кулги билан)
келинг.
Исабек. Ваъда худонинг амри дейдилар,
бир оғиз сўзингиз, оёқини қўлга олиб, чопиб
кела бердик!
Шоғулом. Исабек полвон, чопганингизда
ҳам қўш бўлиб кетасиз-да! Эпчилсиз, эпчил!
Тўғрими, Мирзажон!
Мирза Ғани. Лаббай? Албатта! (Тожиқон
чой олиб келади).
Исабек. Ахир, сиз менга отадек меҳрибон
одамсиз, сизларни сўзларингизни икки қилиб
бўладими, акам айламай, сизни қилган яхши-
ликларингизни...
Шоғулом. Офарин Исабек, офарин!

Сокин денгиз оғушида ором оламан.
Бунда ҳар не топилади хатто хору хас,
Бунда ҳеч ким сўрмайди ким баланд, ким паст.
Қуриб кетсин дейман баъзан муҳиш ўйларим,
Хаёл сурмаганлар ҳеч вақт завқини туймайди.

Болаликдан мен бошқача орзуни эдим,
Нуқсонларни фазилатлар ортиқроқ севдим,
Тенгдошларим орасида ўт-олов бўлсам,
Ҳатто қорни ёндирай деб, бир қалов бўлсам.
Метинлашар эди менинг мурғак иродам,
Шу хислатда мукамал деб, ўйларим одам.
Биров деди: ёниб-қуийиб қиммат қақага,
Ҳеч нарсани алишмайман кайфу сафога.
Илму фан деб, оқшомларни ўтказмоқ бедор
Уйламайди умр унга берилмас тақдор.
У дунёдан фақатгина олишини ўйлар,
Умр қисқа, лекин яшаб қолишини ўйлар.
Бор шумлигу айёрлигини ишга солар у,
Оғирлигин кимларгадир ташлаб борар у.

Турмуш баланд-пастин қанча англаган сарим,
Мазмун билан тўлишгандай ижод дафтарим.
Кузатувчи бўлиб қолиш қанчалик хавфли,
Ўт-оловда тоблаганлар ҳақиқий бахтли.
Бахт ҳақида ҳар ким каби бор менинг фикрим,
Бу даргоҳга мен чинакам чиниқиб кирдим.
Еқтирмайман ночорларга ачиниш ҳиссин,
Нега энди у мақсадга осон эришсин?
Афсус, баъзан муаммони ҳал қилар тирак,
Ноилждир тоза виждон, — лаҳча гўшт юрак!

Ҳақиқатнинг дилин хаста қилса бу азоб,
Суянчиқлар чўнгатини тўлғазар савоб.
Гафлат босиб уйқусидан уйғонмаса ким,
Албат, бир кун кул босажак орзу-тилагин.
Кул остида қолар балки ёнмай бир йўла,
Армонларга макон дили зардобга тўла.
Нигоҳлари кулса ҳамки, юрагида дард,
Шундай пайтда қани бир дўст, тушунувчан, мард.
Шундай пайтда мен ўзимни меҳнатга урдим,
Машаққатлар қаршисида жилмайиб турдим.

Равно РОМАНОВА

БИЛ-
ГАН-
ЛАРИМ

Билганларим билмаганим заррасича йўқ,
Қанча билсам шунча орзу ортоқда дилда.
Дам қайгуга чўмиб гоҳо қувнаб шошиб, шўх,
Даргаси йўқ кема каби оққум тўлкинда.
Ва борлиқдан йўқлик сари чиқиб қоламан,

